



# Жалқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 1 август, № 152 (4562)

Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАР МЕХНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юқсак касб маҳоратини намойён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни қўзда туғувчи сифат жиҳатдан янги механизмни жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг: 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очик-равшан механизмни татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар белгилансин: Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузурда тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Вазирлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасаруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 барабар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ: гуруҳ раҳбарлиги учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача; ёзма ишларни текшириш учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача; ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун — энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самардорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-хунар кўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб бораётганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдорда ойлик устамалар ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда: Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг базавий тариф ставкаларининг ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 30 июль

Мустақиллик  
— бизнинг  
борлигимиз,  
шону шуҳратимиз,  
эркин ва фаровон  
келажакимиз  
гаровидир

Ёшлар — бизнинг келажакимиз. Улар айни дамдагидан кўра порлок, обод ва бахтли эртаимизнинг бунёдкорларидир. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу маънода дунё ҳамжамияти Ўзбекистонимизни улкан имкониятлар ватани сифатида эътироф этапти. Қолаверса, XXI аср юқсак интеллектуал салоҳият, янги технологиялар, кулай коммуникациялар, глобал алоқаларнинг тезкор муҳити бўлишини замоннинг ўзи исботлаётир. Шу боис, Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз ёшларнинг баркамол, етук шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди.

## ЁШЛАРГА АТАЛГАН КОШОНА



Натижада жаҳонда муболиби йўқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул

қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда янги, замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар қурибди. Минглаб таълим даргоҳлари капитал реконструкциядан чиқарилди, ком-

пьютер технологиялари, сўнгги русумдаги лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

## АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

### Бухоро Сув — зар, сувчи — заргар

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг базавий тариф ставкаларининг ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 30 июль

### Фаргона

Одатда, асад кириб, экинни ясадагидан кезларда механизаторларнинг иши қайнайд. Тиз-зага, белга уриб қолган ғўза қаторларига «балиқ сирти» қилиб соzilган қўлтирлар пешма-пеш солинади. Бундай ишлов берилса, экин кам шикастланиб, ҳосил нишонлари деярли тўқилмайди.

### Майин тупроқ — Ўза малҳами

Бу йил Фаргона водийсида сув тақчиллиги аввалги йиллардагидек нисбатан кўпроқ сезилди. Сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида биз сувчилар билан бамаънафат, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораёламиз. Дейлик, фермер хўжалигимиз сувчиси Абдураҳим ака менга сўраганидан кейин ишлов берилиши лозим бўлган майдонларга дарҳол қўлтирлар олиб кириш ҳақида маслаҳат беради. Ўша кунлик ғўза қатор ораларига майин қилиб, кесак чиқармасдан ишлов бераман. Сувдан сувга бу муҳим агротехника тадбири яна бир бора тасдиқланди. Натижада тупроқдаги намлик одатдагидан беш кун-бир ҳафта кўпроқ сақлаб турилади. Бу эса сўғориш муддатини ҳам 4-5 кун узайтириш имконини беради.

Ҳамкорликда иш қўлтиришимизнинг самараси кўза ташлаиб қолди: ҳар туп ғўзада 10-12 та кўсак санаш мумкин, шона ва гулларнинг эса саноғи йўқ. Ҳозирги кунда мен олтинчи ишловни қўлтирларнинг ишчи органларига юмшоқ резина матлар ўраб амалга оширялман.

Мақсадимиз битта: ғўза қатор ораларига ишлов беришни йўқ-терим бошлангунча қадар сусайтирамиз. Ана шунда кўзлаган мақсадимизга эришамиз, албатта.

Довудбой НИШОНОВ,  
Бешарик туманидаги «Ҳосимжон ота»  
фермер хўжалиги механизатори.

ғиз, ҳар туп ғўзада 20 тадан кўсак санайсиз. Аммо бу ҳали кам. Шу боис август ойида ғўза парваришига зўр бериб, яна 5-10 тадан кўсак тўплаш ниятида-ми. Шундангина режамизга яраша ҳосил етиштирамиз. Гап шундаки, жорий йилда 20 гектар майдондан 90 тонна пахта хирмони уйишга аҳд қилганмиз.

Ҳозирга қадар ғўза қатор ораларига 9 марта ишлов берилди. Нихоллар маъданли ўғитларга меърида тўйинтирилиб, 2 марта сўғорилди. Сўғориш фақат «шарбат» усулида олиб бориляпти. Август ойида эса ғўза қатор ораларига яна икки марта ишлов бериб, шунча марта сув тараймиз. Шундай қилсак, мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга эришамиз. Пиравардида, дастурхонимиз тўқин, юртимиз обод бўлаверад.

Бахтиёр ЭШМЕТОВ,  
Гурлан туманидаги «Қодам Менгли»  
фермер хўжалиги сувчиси.

Юртимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраси, «Ўзбекистон — Британия» жамияти раиси, доктор Хартли Бут «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатлашди.

Хартли БУТ:

## «Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун янада жозибали мамлакатга айланмоқда»

«Мен Буюк Британия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-саноат алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилган кенгаш ҳамраси сифатида юртимизда амалга

оширилган иқтисодий ислохларни диққат билан кузатиб бораман ва уйлашимча, Ўзбекистоннинг эришган натижалари юқсак баҳога лойиқдир, — деди Х. Бут. — Буюк Британия Савдо ва саноат вазирлиги Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлини жадаллаштириш мақсадида мамлакатингизнинг қатор вазирлик ва идоралари билан ширкликни янада фаоллаштиришни мўлжаллаган.

Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистонда Британия сармоялари иштирокида тузилган қўшма корхоналарни қўллаб-қувватлашга интилади. Ўзбекистон ҳукумати тинчлик эркин бозор рақобати таъминлаш борасидаги сиёсати мамлакат иқтисодий ҳолини мустақамлаш ва ривожлантиришга ёрдам берам.

Британиялик жамоат арбобининг айтишича, Ўзбекистонга хорижий сармоядорларнинг жалб этишда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий

(Давоми 2-бетда).

### Хушхабар

## СИРОЖИДДИН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиклол Ўзбекистонлик ёшларга катта имкониятлар эшигини очди. Бугун ёшларимиз турли соҳаларда дунё ахли ҳавас қилса арзиғулик натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, спортда эришилётган ютуқлар билан ҳар қанча фахрланас арзилади.

Жорий йилнинг 19-31 июль кунлари Швейцариянинг Сент-Гелен шаҳрида шахмат бўйича ICSC (International committee of silent chess) заиф эшитувчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам юртдошларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этдилар.

Жаҳон чемпионатида Германия, АҚШ, Исландия, Швейцария, Голландия, Англия, Шотландия, Уэльс, Швеция, Италия, Словения, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Хорватия, Россия, Болгария, Ўзбекистон, Қозғоғистон, Туркменистон, Руминия, Беларусь, Украина, Озарбойжон, Сербия, Бангладеш, Молдова каби дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатли шахматчилари иштирок этди.

Нуфузли мусобақада ўсмирлар ўртасида Сирожиiddин Зайниiddинов, катталар ўртасида Алишер Анаркулов, аёллар ўртасида эса Инобат Чопчиова Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди.

(Давоми 2-бетда).

**Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий ҳиқатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фўқаролик жамиятини шакллантириш гоёсини илгари сурди. Бу стратегик гоёларни амалга ошириш, яъни янги давлат ва янги жамият асосларини бунёд этишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши-ю, уларни ижро этиш механизмининг ишлаб чиқишда эса мамлакатимиз парламенти мўҳим вазифани бажарди. Эро, илмий тил билан айтганда, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фўқаролик жамиятининг барча атрибутлари айнан парламентдагина мўжассам. Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари миллий парламентимизнинг ривожини, унинг мукаммал фаолияти учун доимо эътибор қаратиб, керак бўлса, ўз фикрини, тавсияларини бериб келди.**

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағйшланган қўшма мақсладаги маърузасида мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққий этиш ва олдимида турган вазифаларининг маъно-моҳияти ҳақида сўз юритиб, истиқлол даврини ҳақиқ равишда икки босқичга ажратиб кўрсатган эди.

Жумладан, кўп тилга олинган даврнинг ўтиш даври, бошқача айтганда, миллий давлатчилигимиз асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдириди. Эро, эндигина давлат қўрган Ўзбекистон бутунлай издан чиққан иқтисодиётни оёққа турғизиши, ишқис, умидсиз одамларга шўжоат баҳш этиши лозим эди. Янада мўҳими, кенг омма тафаккурида миллий истиқлол гоёсини, давлатчилик асосларини шакллантиришда маъсул яттли вазифалар уқдалланди. Жамият ҳаётининг бутун жаҳасини қамраб олган кен қамровли ислохотлар, тиклаш ва барпо этиш ишлари олиб борилиди.

2001 йилга келиб фаол демократик янгиликлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври — иккинчи босқич бошланди. Бунда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожлантириши, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳўқўқ тизими ва ижтимоий соҳаларни изчил ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. Айнан мана шу босқичда парламентимизда ҳам мулқоқ янги ўзгаришлар юз берди.

Аббатта, бир палатали Олий Маж-

лис давлат ҳокимияти органлари тизимида ўзининг мўносиб ўрнини топди ва унинг роли демократик ислохотларни амалга оширишда мулқасил ортиб борди. Эро, у замонавий парламент институтига хос барча вазифаларни — қонун ижодкорлигини, парламент назоратини, парламентларо алоқалар каби функцияларни амалга оширди. Бу вақт мўбайнида ўзига хос миллий парламент аниқналари шаклланди. Утиш даврининг энг мўҳим ҳўжатлари — қонунлар ана шу парламентда қабул қилинди, ҳаётга татибқ этилиди. Мўҳими, Олий Мажлисининг ташкилий тузилмалари, яъни партия фракциялари, қўмита ва комиссиялар ташкил топди.

Тўпланган билим ва жаҳон парламентаризми тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда профессионал қонун ижодкорлиги институти тизимини яратишга қаратилган ишлар олиб борилди. Чўноқни, 2002 йил 27 январдаги умумхалқ референдумда халқимиз яқдиллик билан Ўзбекистон Республикасини парламентининг икки палатали тизимида шаклланишини қўллаб-қувватлади. Шу аснода Ўзбекистон Республикасини Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати тўғрисидаги Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу ҳокимиятнинг олий органи — парламентнинг тақомиллашуви, қонунларнинг пўхта ва тезкор ҳал қилинишига замин яратишни халқимиз, кенг жамоатчилик яъни тўлқнади.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган икки палатали парламент сайлови натижасида халқимизнинг илгор фикрли, фидойи, билимдон фарсандларини ўзида жамлаган, жамиятимизнинг бар-

ча қатламлари вакилларидан ташкил топган, Ватанимиз равақли, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил ишлаган бел боғлаган, ишқан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати шаклланди. Натижада мамлакат олий органида доимий ишлаган лаёқатли ва парламентаризм қўнимчаларига эга профессионал депутатлар корпуси ҳам ташкил топди.

## Истиқлол ва парламент

Юзага келди.

Икки палатали парламентнинг, жумладан, Қонунчилик палатасининг ўзига хос хўсусиятлари шундаки, қонунларни уч ўқишда қабул қилиш амалиёти жорий қилинди, қонунлар яратиш жараёни янада тақомиллашди. Хўсусан, профессионал парламент томонидан ўтган уярим йил давомида халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий йўлда сиёсий ҳаётга таллуқли 190 дан зиёд қонунлар қабул қилиниб, улардан 170 га яқинига имзо қўйилди. Амалдаги қонунлар қўнимчалар ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Умуман, қонун ижодкорлиги фаолиятимизда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутатганида қўнимчаларни қўллаётгани, маълум маънода, мамлакат ҳаёти барқарор ривожланиётганидан, ислохотлар изчил олиб борилаётганидан дарак беради.

Шу билан бирга, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ташаббуслари, роли, тасири ҳамда маъсулиятини қўнайитиришга қаратилган "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ро-

лини қўнайитириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунни янги парламентимиз фаолиятимизда мўҳим ҳўжатлар сира-сига киритиш мўмкин. Чўноқ, бу ҳўжат жамиятимизда кўп партиявийликни изчил ривожланишига қатта туртки бергани ҳолда, сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари мақоimini янада юқори даражага кўтарди. Айниқса, фракция раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари этиб тайинланиши сиёсий партияларнинг парламентадаги, жамиятдаги мавқеи ортанглиги-

таомил қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти ўтказиш асносида мулқом ёллимизда туради. Шу боис ҳар гал қонун ижроси таҳлилий чоғида ана шу ҳиқат эътиборга олинади. Назорат-таҳлил, аввало, қонун камчилигини тўлдириши, қолаверса, ижродаги сулқашликларга барҳам бериши, халқнинг ҳўжатиини чиқариши керак. Биргина мисол. Шаҳароолик кодексининг Қоразм, Бўхоро вилоятларида ижро этилишини қўйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси таҳлил қилиб чиқди. Ютулар эътироф этилди. Камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди. Мақсад — токи, бу хатолар қайта такрорланмасин. Бултур "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўзбекэнергия" ДАҚда бажарилиши ўрганилди. Назорат-таҳлил ишлари бу борада камчиликларга йўл қўйилганини кўрсатди. Хўсусан, электр станциялари қувватларидан фойдаланиш самардорлиги коэффицентини жуда паст, аникроқ айтганда, 56 фоизни ташкил этаётган экан. Эскирган усқуналар ва технологиялар фойдаланилган энергия учун харажатларини ҳамда маҳсулот таннарини ошириб юборган. Сабаби, Қонунда назарда тутилган иқтисодий механизмлар жорий этилмаган. Шу боис бу соҳа мўтасад-диларига тегишли тавсиялар берилди, ишларни янада самарали ташкил этиш бўйича чоралар белгиланди.

Бутунги кўн депутатларнинг фаолигини, қўйиб-ёниши, аввало, халқ, миллат олдидаги маъсулият, қолаверса, сайловчи беган лафзининг иғниқисидир. Эро, давлатнинг олий органида вақил бўлиш ҳўқуқи унга ишониб топширилган экан, у фуқаронинг гамини ёйиш, жамиятга ўзгаришлар қилишга, ислохотларни бажаришга хисса қўйишга маъсулдор. Шу боис, депутатлар маълум вақтларда ўз сайловчилари билан учрашиб туршишининг сиёсий, залворини ана шу лафзининг, ваданиннг сарҳисо-биди.

Сайловчи билиши керак: унинг вакили қандай ҳўжатга овоз берди, уни қўллаётганда сайловчилар ҳақида ўйландими, уларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олдимиз — барчасининг савол-жавоби, лўнда айтганда, ҳисоби бор.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз парламентимизда амалга оширилаётган барча иқобий ишлар мустақил юртимизнинг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига, ҳўқуқий замин яратилишига мўносиб хисса қўйишда. Энг мўҳими, Юртбошимиз раънамоллигида изчил фаолият олиб бораётган парламент шакллантирилди. Эндиликда, наинки биз хориқликларнинг қонунчилик тажрибасини ўрганмоқдамиз, балки қабул қилган қонунларимиз чет эл мамлакатлари томонидан ўрганиш объектига айланди. Истиқлол парламентининг ютуқларидан бири ҳам шу.

Қонун — Ижроси билан қўчили. Бу

**Ражапбой РўЗМЕТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Хартли БУТ: «Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун янада жозибали мамлакатга айланмоқда»

(Давоми. Боши 1-бетда).

салохияти, айниқса, мўҳим аҳамият касб этмоқда. «Юртингизда эркин бозор иқтисодиётини яратиш борасидаги иқтисодий ислохотлар амалга оширилгани сайин ишбилармонлар мамлакатининг иқтисодий имкониятлари ҳақида тобора тўлиқроқ ахборот олмақда. Жумладан, улар Ўзбекистон табиий захираларга бой бўлиши билан бир қаторда, юқори малакали кадрлар ҳамда қўлай сармоявий мўҳитга эга эканига ишонч ҳосил қилмоқда».

Х. Бут Ўзбекистонда хар бир янги йилни ижтимоий сиёсатнинг турли йўналишларига бағйишлаш яъни аънаага айланганини таъкидлаб, 2008 йил мамлакатда Ёшлар йили деб эълон қилинганга эътибор қаратди.

Унинг фикрича, юртимизда таълим соҳасида, жумладан, янги академик лицей ва касб-ўнги коллежлари қурилиши борасидаги кенг қўлимли ишлар алоҳида таъбирга лоийк. Ёшлар йили доирасида Буюк Британия томони «Оқсуз Голд» компанияси томонидан

молиялаштириладиган стипендия жамгармасини тасйс этиди, — деди Х. Бут. — У келажакда тоғ-қон санаотида ишлашни истайдиган ёшларга олий ўқув юрларида таълим олиш имконини берибди стипендиялар ажратишни назарда тутди. Ёшлар йили доирасида «Ўзбекистон — Британия» дўстлик жамияти ҳам ўзининг ёшлар қанотини очилиши мўлжалламоқда».

«1 сентябрь кўни Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллигининг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Шу муносабат билан шахсан ўзим ва Буюк Британиядаги қўллаб-қувватларингиз номидан Ўзбекистон ахлини ушбу кулғў байрам билан самимий муборакбод этаман. Келаятган йилларда Ўзбекистон эришган натижаларини янада мустақамлаб, тараққий этишнинг янгидан-янги ўқўқиларини забт этишига тилақдорман. Тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равақ доимий йўлдошингиз бўлсин!» деди Хартли Бут суҳбат якунида.

«Жаҳон» АА.  
Лондон

## СИРОЖИДДИН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эсингизда бўлса, 2004 йил Германияда ICSC (International committee of silent chess) заиф эшитувчи ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам арнасойлик (Жиззах вилояти) Сирожиддин Зайниддинов юртимиз шарафини химоя қилгани. У ўшанда ўзидан ёши ана катта бўлган украинлик жаҳон чемпиони Тарас Овчаров, россиялик Юрий Голшов, швейцариялик Абергант Тобец сингари танқил шахматчиларни мағлубиятга учратиб, 14 ёшда жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган. 28 мамлакат вакиллари ичига биринчи ўринни эгаллаган Сирожиддинга Президентимиз табрик хати йўллади ва замонавий компьютер билан тақдирлаганди. Сирожиддин 2005 йили Қозғоғистонда ICSC (International committee of silent chess) таснифида катталар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Соғлом кишилар ўртасида уюштирилган Ташкент шаҳар чемпионатида ҳам бир неча бор совриндор бўлди.

Қувончиси, Сирожиддин Зайниддинов бу сафар ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. У Муча Ангрет (Германия), Фотима Муродова (Озарбойжон), Вероника Блазина, Андрей Скоробогатук (Россия), Алёна Осипова, Тарас Овчаров (Украина), Тобаис Аберсолд (Швейцария), Масиж Сазло (Польша), Томас Жанунас (Латвия)ларни мағлубиятга учратди, Левис Мартин (Англия) ва Матеуз Лапач (Польша) билан дуранг натижага эришди. Демак, 11 та учрашувнинг 9 тасида галаба қозониб, 2 тасида дуранг натижа қайд этган Сирожиддин Зайниддинов иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Алишер Анаркулов эса 11 учрашувнинг 8 тасида галаба қозонди, 2 та дуранг, 1 та мағлубият билан жаҳон чемпионатининг қумуш медалини қўлга киритди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**«Халқ сўзи» мўхбири.**

## САЛОМАТЛИК АСОСИ

Жорий йилнинг 1 августидан 7 августига қадар болани фақат она сўти билан боқиб жаҳон ҳафталиги ўтказилади.

ЮНИСЕФ ташаббуси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Журналистлар иқодий уюмаси қўмағида амалдаги оширилаётган бу тадбирга Бўхоро вилоятида алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 1997 йилдан бунён гўдақларни она сўти билан боқиб амалиётни қўллаб-қувватланадиган ва рағбатлантириладиган махус дастур асосида иш олиб бораёпти, — дейди Бўхоро вилояти «Она ва бола» скрининг маркази директори Дилбар Аҳмедова. — Оналар ва болаларнинг тўғри овқатланишлари афзалликларидан

барчани хабардор этишга қаратилган махус дастурга мўвофиқ, вилоятимиз ҳам ўзига хос синов худуди саналади. Айни пайтда олти ойгача бўлган болаларни фақат она сўти билан боқиб даражаси 78 фоизга етди. Тўққизта шифо маскани эса болага дўстона мўносабатдаги шишқоҳона сертификатига эга бўлди.

Болани фақат она сўти билан боқиб жаҳон ҳафталиги доирасида маҳаллалар, ўқув муассасаларида жамоатчилик вакиллариинг олимлар ва шишқоқлар билан учрашувлари уюштирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мўхбири.**

# ЁШЛАРГА АТАЛГАН ҚОШОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу қунларда Ташкентнинг Миробод туманида қурилаётган Темир йўл коллежи ҳам мамлакатимиздаги йирик таълим масканларидан бири бўлиши мўқаррар.

— Дарҳақиқат, 1200 ўқувчига мўлжалланган бу қошона нафақат мамлакатимизда, балки, Марказий Осиёда ҳам ихтисослаштирилган ўқув юрлари орасида энг йиригига айланishi, шубҳасиз, — дейди биз билан суҳбатда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси матбуот хизмати бошлиғи Хайдарали Мамадалиев. — Уни лойиҳалаштириш бўйича 2007 йил октябр ойида тендер ўтказилган эди. Тендерда "Темирйўл-лоя" корхонаси голиб топилиб, кенг қўламдаги ишлар бошлаб юборилди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида бу муаззам қошона калитини ёшларимизга тақдим этамиз.

Хайдаралининг тўлқинланиб айтган сўзлари амалда қандай мазмун касб этаётганини билиш мақсадида темир йўл коллежи биносини бунёд этаётган ишчилар ҳузурига ошиқдик.

— Жорий йилнинг 17 апрель кўни бино пойдеворини қўйган эдик. Мана, қаранг, коллежнинг би-



ринчи ўқув корпуси деярли тайёр, — дейди "Ўзтемирйўлқурилишмон-таж" корхонасига қарашли Фўқаро-саноат иншоотлари қурилиш-монтаж поезди бошлиғи Абдуҳаким Ҳотамов. — У 900 нафар, иккинчи корпус эса 300 нафар ўқувчига мўлжалланган. Бундан ташқари, махсус устахоналар, амалиёт-тажриба хоналари, қозонхона, спорт зали, ошона биносини қуриш ишлари охирига етказилаёпти. Бино йўлақлари кенг, хар бир йўлак охирида табиий ёруғликка мосланган деразалар ўрнатилаёпти. Ўқув хона-

лари катта, шифти ба-ларда. Уларда ҳаво айланади, табиий ёруғлик кириши тўлиқ ҳисобга олинган.

— Коллежда электр қурилмаларини ўрнатишда унинг хавфсиз бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ишчи-лашчи, — дейди ишчи-лардан яна бири Аскар ака Эргашев. — Юртбошимизга раҳмат. Болаларимиз учун бири-бирдан чиройли ўқув даргоҳларини қуришга бизни илҳомлантирдилар. Беш фарзандим бор. Катта ўғлим Аббос, эгизак фарзандла-

рим Ҳасан-Хусанлар улгайишса, иккиланмасдан уларни шу ерга етаклаб келаман.

Набижон ва Аскар ака ҳамроҳлигида қурилиш майдонини кўздан кечирдик. Саққиз юздан зиёд ишчи, 30 га яқин техник воситалар жалб этилган коллеж бамисоли шиддатли, жўшқин ҳаёт қайнаётган манзилдай таассурот қолдиради. Хозирда иккинчи ўқув-ишлаб чиқариш корпусининг учинчи қаватида гишт терилаёпти, теваарак-атроф қўқаламзорлаштириляпти.

Қурувчилар тили билан айтганда, кўпи кетиб, ози қолди. Эрта-индин 1200 ўқувчига мўлжалланган, мамлакатимиз темир йўллари тизими ривожига ниҳоят-да мўҳим ҳисобланган ўнға йўналиш бўйича кадрлар тайёрлайдиган коллеж биносидеа интилувчан, билимга чанқоқ ёшларимизнинг шўх-шодон овози янграйди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси қурувчилари Ёшлар йилида яхши ният ва катта умидлар билан бунёд этаётган бу таълим даргоҳи доврўғи тез орада етти иқлимга таралади. Бунга ишончимиз қомил.

**Абдували ҚУТБИДИНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мўхбири.**

**Темур ҚУРБОНБЕКОВ**  
**олган суратлар.**

## Яхши хабарлар

Навоийда «Камолот» ЕИХ марказий Кенгаши вилоят бўлими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан худуддаги туман ва шаҳарларда ўн кун давомида меҳнат бозорлари ўтказилди.

## Мўҳим ишлар бўлиши

Унда мавжуд бўлган 1926 та иш ўрнига, асосан, ёшлар қабул қилинди. — Мўҳим иш жойига эга бўлганимдан хурсандман, — дейди карманалик И. Ҳамидов. — Энди астойдил меҳнат қилиб, эл-юрт равнақига ўз хиссамни қўшаман. Мен қатори ишлар бўлган йигит-қизлар ҳам шундай фикрда эканликларини шубҳасиз.

Ҳамдан ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мўхбири.

## «Сурхон воҳаси»нинг парвози

Сурхондарё вилоятидаги "Сурхон воҳаси" фермер ҳўжалиги тақрибали деҳқон Рисолат Маматқўлова раҳбарлик қилади. Бу ҳўжалик пахта, галла, пилла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Шу билан бирга, унинг тасарруфиде саргароҳона, гўшт ва савдо дўконлари, алюминий эшик-дераза таёйирлаш, тикувчилик, велосипеднинг бутловчи қисмларини йиғиш цехлари ишлаб турибди.

Жорий йилда "Сурхон воҳаси" фермер ҳўжалиги 252 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Унинг 63 гектаридан 250 тонна дон саранжомлаб олинди. — 163 гектар майдонга "Наманган — 77" навли чигит эканмиз, — дейди ҳўжалик раҳбари. — Мақсад — жами 526 тонна ҳосил етиштириш. Шу ниятда барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказаямиз.

**Санд МАЛИКОВ,**  
Тормиз тумани.

Янгиқўрган туманидаги Исқовот қишлоғида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирга ён-атрофдаги маҳаллаларнинг мингта яқин фўқароси қатнашди. Истеъдод эгалари томонидан намойиш этилган ихчамгина бадий дастур

ижодкорлар билан юзма-юз мулоқотга айланган кетди. Пойтахтлик санъаткорларнинг чиқишлари эса байрам дастурига ўзига хос жозибали бағйишлаш билан бирга, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

носиб ўрин олганлигини намойён этди. Чўстда стол теннисини уюштирилган беллашувларда иштирок этган беш юзга яқин ўғил-қизнинг маҳорати туманда спортнинг

сайин кўпаймоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шожиржон Қорабоев. — Масалан, Самарқандда чим устида хоккей бўйича ўтказилган

Ўзида байрам руҳини мўжассам этган маданий-маърифий, кўнгличор тадбирлар, мазмунли учрашувлар доираси кун сайин кенгаймоқда. Улар барбараида асосий байрам — вилоят марказида ташкил этиладиган театрлаштирилган томошалар тарадуду ҳам бошлаб юборилди. Эро, шундай фаровон қунаримиз бунёдкорлари — танти ва меҳнатқаш юртдошларимиз бўлган байрам қилишга ҳақлиқлар. Ахир озод ва обод юртга тўйлар ярашади, деб беизизга айтишмаган.

**Қудратилла НАЖМИДИНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мўхбири.**

# ШУҚУҲЛИ БАЙРАМ НАФАСИ

Бу сингари тадбирлар вилоятнинг чекка-чекка худудларида ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, Наманган туманининг Шўрқўрган қишлоғи ақли дастлаб театрлаштирилган сахна кўринишларидан баҳраманд бўлиши. Шундан сўнг фахрий муаллима Тўхта-хон Раҳимованин уй-музейи

га ташриф буоришиди. Янгиқўргандаги энгил саннат касб-хўнара коллежидаги "Биз ёшлар эртанинг умидларининг" мавзусидаги кечада талабалар йигит-қизларнинг жамият тараққийотидаги ўрни ҳақида қизиқарли баҳш уюш-тирдилар. Байрамолди тадбирларидан

маъмур турига эътибор тобора кучаяётганини кўрсатган бўлса, Тўрақўргандаги кураш мусобақалари спорт хар бир хонадон, хар бир маҳаллага дадил кириб бораётганлигини дарак берди. — Спортчиларимизнинг байрамолди муваффақиятлари кун

Тарадуд

мамлакат биринчилигида вилоятимиз жамоаси биринчи ўринни эгаллади, Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида 17 давлат спортчилари иштирокида ол спортни бўйича ташкил этилган жаҳон кубоғидаги Уинд Комилонинг галабаси Мустақиллигимизнинг 17 йиллик тўйига мўносиб тўёна бўлди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Рейслар бекор қилинди

Германиянинг "Lufthansa" авиакомпанияси ходимлари иш ҳақини ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришни талаб қилиб, оммавий иш ташлаш эълон қилишди.



"Die Welt" газетасининг ёзишича, иш ташлаш оқибатида 28 июль кун 128 та парвоз бекор қилинган эди. 29 июлда эса бу рақам 136 ни кўрсатди.

Даромад 52 фоизга ошди

Италиянинг "Eni SpA" компанияси даромадлари 52 фоизга ошди.



паниа жорий йилнинг иккинчи чорағига 3,44 миллиард АҚШ доллари миқдорига фойдаланган. Олти ойлик даромадлари эса 6,79 миллиард АҚШ доллари тенг.


Озод этилади

Афғонистон ҳукумати томонидан ҳибсда сақланган журналист Назир Фаёз озод қилинган.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, Назир Фаёз телевидение орқали чиқишларида ҳукумат амалга ошираётган ислохотларга нисбатан салбий фикрларни айтганидан сўнг қамоққа олинган.

Иқтисодий кўмак

Бутунжаҳон банки Бангладешга 50 миллион АҚШ доллари миқдорига иқтисодий ёрдам беришга қарор қилди.



Қайси мамлакатда кўп ичишаркин?

Антиқа хулосалари билан омма эътиборини доимо ўзига қаратиб келган "The Forbes" журнали ходимлари спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларга энг кўп маблағ сарфлайдиган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди.

Кузатувчиларнинг хулосасига кўра, бу борада Россия биринчи ўринда турар экан. Россияликлар иллик даромадларнинг 6 фоизини ана шундай мақсадлар учун ишлатишлари қайд этилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Шотландияда Ўзбекистон Сўзаналари Жилоси

Шотландиянинг Глазго шаҳрида мамлакатимизнинг бой маданий ва тарихий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи тадбирлар давом этмоқда.



Бухоролик Зулайхо Каримова ҳамда нуроталик Рухсорой Тўрақулова жорий йил май ойида Китооб туманида бўлиб ўтган "Асрлар садоси" фестивали совриндорлари бўлгани боис, ўз маҳоратини Шотландия жамоатчилигига намойиш этиш имконини қўлга киритишди.

Биз ва жаҳон

кўр тадбир Ўзбекистоннинг кўна тарихи ва бой маданиятини ўзида акс эттираётганини таъкидлади.

"Burrell Collection" музейи директори Мюрел Кингнинг айтишича, ташкилотчилар лойиҳани режалаштириш жараёнида унга Ўзбекистонлик ҳунармандларни жалб этишни кўзда тутган эди.

"Burrell Collection" музейи Ислон цивилизацияси бўлими раҳбари Нюра ал-Файлоний хонимнинг таъкидлашича, каштадўзалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ

ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЕТАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ОЛДИНДАН КЎНИКТИРИШ ВА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

республикаимизнинг барча истаган фуқароларини Жанубий Корея Республикаси Эркин ёллаш тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда, корейс тили бўйича бир ойлик ўқув курсларига таклиф қилади.

Ўқув дастурларини муваффақиятли тамомлаган фуқароларга гувоҳнома (сертификат) берилади.

Ушбу ўқув курсини якунлаган фуқаролар диққатига! Ўқув маркази фуқароларнинг тест синовидан ўтиши ва Корея Республикасига боришига қанолат бермайди.

Маълумот учун телефон: 214-88-92. Марказ маъмурияти.

Қорақалпоғистон томонларда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!

Қашқадарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган Китооб тумани

«ПИЛЛА» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

мол-мулки ягона мулкий мажмуа сифатида Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиали орқали сотилади.

Корхона тўғрисида умумий маълумотлар

Китооб тумани «Пилла» масъулияти чекланган жамияти манзили: Қашқадарё вилояти, Китооб шаҳри, Генерал Жўрабек кўчаси.

Корхона ҳудудининг умумий ер майдони — 21000 кв.м., шундан ёпиқ айвонлар майдони — 12672 кв.м., олти хонадан иборат бир қаватли маъмурий бино, умумий майдони 364 кв.м.ни ташкил этади.

Корхонада иккита пилла қуриш ускунаси, тайёр маҳсулотлар омборлари мавжуд. Корхона муҳандислик-технологик коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминланган, телефон тармоғи мавжуд, алоҳида электр қабатлари мавжуд.

Корхона ҳудудида ёпиқ айвонлар, ошхона ва маъмурий бино жойлашган. Корхона ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилган ва кўчалар мазорлаштирилган.

Кўшимча маълумот ҳамда саволлар учун телефонлар: (8-375) 526-45-75, 381-51-26. Савдо ташкилотчилари телефони: (8-375) 225-44-58.

«Озода»нинг сифатли мебеллари

Тўрткўл туманидаги «Озода» кичик корхонаси сифатли маҳсулотлари билан ном қозонган.

Жамоа ишлаб чиқараётган уй-рўзгор буюмлари ва мебеллар харидорларга манзур бўлмоқда.

Айниқса, туман марказида корхона мебеллари сотиладиган махсус дўкон ишга тушгач, ишлар янада юришиб кетди. Ҳозирда «Озода»нинг маҳсулотлари қўшни Хоразм вилоятидаги болалар боғчаларига ҳам етказиб берилаётир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро вилоятидаги Лоша қишлоғида «Саид Муҳиддин шифо» хусусий шишонисининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Очиги, қишлоқда хусусий шифонга очишга ҳар ким ҳам жўрват қилавермайди. Аммо ортопед-травматолог Камол Саидов бу ишга кўл урди.

ИЗЛАНГАНГА ИМКОН КЎП

Лоша қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Рамазонов бизни тиббий маскан сари бошлар экан, "Бу собиқ ширкат хўжалигининг маъмурий идораси эди", дея таъкидлашди ҳам учунмади.

Интилиш

Хар кимнинг ҳам бўйни ёр беравермайди. — Худудимизда учта хусусий шифонга, 2 та гишт ишлаб чиқарувчи корхона, 2 та тикув цехи, 5 та тўйхона бор, — дейди йиғин раиси Бахтиёр ака.

Ишга яроқли аҳоли сонига эса 4850 нафарни ташкил этади. 3180 киши халқ хўжалиги ишлари билан банд.

«Халқ сўзи» «Изланганга имкон топар», деб беҳиж айтмаган. Эеро, мамлакатимизда халол меҳнат қилган, изланган, ташаббус кўрсатган одам кам бўлмайди. Узоқда қийналиб, соғлигини, тинчини йўқотишдан қўра, биз бугун зикр этган жамурларимиз каби меҳнат нашадасини суришга не етсин!

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача 232-09-25 232-10-63 242-хона

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

марказий аппаратда локал компьютер тармоғини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш бўйича очик танлов эълон қилади.

Танловда мамлакатимиздаги компьютер технологиялари билан шуғулланувчи барча компания ва фирмалар, шу жумладан, чет эл компания ва фирмалари ҳам қатнашиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2008 йилнинг 30 августигача қабул қилинади.

Танлов ўтказилиши билан боғлиқ барча масалалар бўйича мурожаат учун телефонлар: 244-28-14, 244-09-20. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги мулклар қўйилмоқда: Жиноят ишлари бўйича суднинг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилиари бўлими томонидан хатланган, «Корабай» савдо-ишлаб чиқариш корхонасига қарашли бўлган, Урганч тумани, Шовот канали бўйида жойлашган, умумий ер майдони 23205,97 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 1256,2 кв. метрни ташкил қилган, 17 номдан иборат бино ва иншоотлар мажмуаси (1-2-ноҳихона бинолари, 1-2-омборхона бинолари, меҳмонхона биноси, иссиқхона биноси, 1-3-ёрдамчи бинолар, 1-6-бостирма иншоотлари).

Бошлангич баҳоси — 202 631 574 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 19 август кун соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекбанк» «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: 226-43-64.

Лицензия: DB 001 № 000004.

ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «ABR PLYUS»

ПРЕДЛАГАЕТ вам топливную аппаратуру и комплектующие НЗТА (Ногинский завод топливной аппаратуры) к широкому спектру дизельных двигателей тракторных модификаций со склада в Ташкенте.



Гибкая система скидок для оптовых покупателей, а также для покупателей, осуществляющих предоплату за товар.

Тел.:(+99871) 215-51-52, 215-51-53, факс (+99871) 233-18-12 E-mail:ABR-plyus@mail.ru

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ-М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.

Отдельно предприятие поставяет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: в Ташкенте, Чиланзар, к-л 6, д-2 (Фр-метр «М.Улубек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 йил. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Official Partner Tel. 250-11-11


ЎЗР ФА Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, ЎЗР ФА академиги Тожибой БҮРНЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси Ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Юсуфжон Аллобоғга онаси МАНЗУРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Физика-Қуёш» ИИЧБ жамоаси Материалшунослик институти лабораторияси мудир, техника фанлари доктори Рустам Раҳимовга волидаи муҳтарамаси ЗУМРАД аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# ТЕСТ БИЛИМДОНЛАРНИ АНИҚЛАЙДИ

Бугун мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида салкам 346 минг нафар абитуриент синовдан ўтади



Айни пайтда республика-миздаги барча олий ўқув юртлари талаба бўлиш истагидаги йигит-қизлар билан гавжум. Тест синовларига жиддий тайёргарлик кўрган, истиқлол имкониятларидан фойдаланган шижоатли ёшларга ҳавас қилсак арзийди. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистондаги ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик бугун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида эъти-

роф этилмоқда. Йигит-қизларимиз нуфузли фан олимпиадалари ва танловларда муваффақиятли қатнашиб, голибликни қўлга киритишга ётгани айнан таълимга эътиборнинг самарасидир.

Ниҳоят, ана шундай ютуқ ва марраларга эришишни кўзлаган, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишни мақсад қилган ёшларимиз ҳаяжон билан кутган кун ҳам келди. Бугун талаба бўлиш истагидаги йигит-қизлар ўз билимларини тест синовидан

ўтказишди ва бу синовда, албатта, кимнинг мақсад сари қай даражада интилганлиги аниқ маълум бўлади.

— Жорий йилда олий ўқув юртларига 345 минг 796 нафар абитуриент ҳужжат топширди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов. — Олий таълимнинг бакалаврият йўналиши учун 58 минг ўрин

Табиийки, тест синовларида ўзаро рақобат муҳити йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил, айниқса, Қарши, Андижон ва Термиз Давлат университетлари ҳамда Андижон тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясига абитуриентлардан нисбатан кўпроқ аризалар тушди. Ушбу таълим муассасаларида бир ўрин учун 8,0-11,4 нафардан талабгор тўғри келмоқда.

Рақамларга эътибор берсак, 2005 йили бир ўрин учун 4,7 ўқувчи курашган бўлса, 2006 йили бу рақам 5,4 кишига етди. Жорий йилда бу кўрсаткич бир ўринга 5,5 номзодни ташкил этди. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, бу жиҳат олий ўқув юрти оstonасига қадам қўяётган йигит-қизларимиздан муносиблар ичра муносибини танлашни тақозо этади.

Бу йил олий ўқув юртлари орасида энг кўп абитуриент қабул қилган даргоҳ — Низомий номидидаги Тошкент Давлат педагогика университети-дир. Мазкур олий таълим

даргоҳига 20 мингга яқин йигит-қиз ҳужжат топширди. Энг катта танлов, одатдагидек, педагогика ва тиббиёт йўналишларида бўлиши кутилмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишлар сирасига ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ҳам қўшилди.

Энг муҳими, бугунги ёшлар ким қандай йўл кўрсатса, кўниб кетаверадиган йигит-қизлар эмас. Улар орасида ўзининг аниқ мақсади, келажак учун мўлжаллаган орзу-режалари сари дадил интилувчи, шижоатли ёшлар кўпчилиги эканлиги қувонарли ҳолдир. Зотан, келажиги буюк юрт тақдирини ишониб топширилган авлод айнан шундай фазилатга эга бўлмоғи, ҳеч кимдан кам бўлмай, муносиб ҳаёт кечиршига астойдил интилувчи даркор! Шундай экан, эзгу ниятни дилга туққан оқил ва доно ёшларимизга мустақил ҳаёт оstonасидаги муҳим синовда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Омонулла ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Абитуриент — 2008

ажратилган. Бу, жорий йилда ўтган йилдагидан 6396 зиёд ўрин мавжуд, деганидир. Қолаверса, абитуриентларнинг 19 минг 945 нафари давлат гранти, 38 минг 55 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, бакалаврият йўналишининг махсус сиртки бўлимига 5605 нафар талаба қабул қилинади. Бундай махсус сиртки бўлимлар, асосан, педагогик таълим ва болалар спорти йўналишлари бўйича ташкил этилган.

## Спорт • Sport • Спорт

Синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Бангкогда ўтказилган Таиланд очик чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

## Синхрон сузувчиларимиз муваффақияти

Унда тайланд эгаларидан ташқари, Вьетнам, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия, Ўзбекистон ва Гонконг каби жами ўнга яқин мамлакатдан келган синхрон сузиш усталири голиблик учун кураш олиб бордилар.

Таиланд очик чемпионатида иштирок этган спортчиларимизнинг аксарияти совриндорлар сафидан жой олишти. Жумладан, 13-15 ёшли синхрончилар орасидаги яқкалик баҳсларида ҳамюртимиз Анастасия Эдрайковская олтин,

Шоҳида Зоҳидова кумуш медаль соҳиби бўлди. 12 ёшга бўлган спортчилар беллашувида эса вакилимиз Севара Бобоқуллова учинчи ўринни эгаллади.

13-15 ёшли синхрончилар ўртасидаги дуэт баҳсларида ҳам юртдошларимиз Анастасия Эдрайковская ва Шоҳида Зоҳидовалар жуфтлик олтин медаль билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Таиланд, учинчи ўрин эса Гонконг синхрончиларига насиб этди.

Шунингдек, 16-18 ёшли спортчилар ўртасидаги дуэт мусобақасида юртдошларимиз Луиза Ҳасанова ва Ксения Козлова бронза медални қўлга киритди.



## Денис халқаро турнир голиби

Теннисчимиз Денис Истомин Россиянинг Пенза шаҳрида «Челленджер» туркумига кирувчи халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.

Денис россиялик Евгений Кириллов билан жуфтлик баҳслари финалида Бразилия — Голландия теннисчилари Гемм — Вестерховларни мағлубиятга учратиб, голибликни қўлга киритди.

Хабарингиз бор, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи босқич учрашувлари йўлланмасини қўлга киритган.

## Саралаш учрашувлари олтидан

Ҳамюртларимиз тўртинчи саралаш босқичининг биринчи тур учрашувини шу йил 6 сентябрь кунини Дохада Қатар миллий терма жамоасига қарши ўтказди. Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, мазкур беллашуви малайзиялик ҳакам Моҳд Субҳиддин Солих бошқарадиган бўлди. Унга Таиланд ва

хитойлик ҳакамлар ёрдам беришди.

Таъкидлаш лозимки, ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқич ўйинларига футболчиларимиз жиддий ҳозирлик кўришати. Август ойида КХДР ва Эрон футболчилари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш режалаштирилган.

Ойбек ЗИЁЕВ тайёрлади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилиши билан бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Аввало, ишлаб чиқараётган маҳсулотни сифатли, истеъмолга яроқли бўлмоғи лозим. У рўйхатдан ўтмадимми, демак, маҳсулотларнинг сифати ҳам назоратдан четда қолади.

## СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР «УШЛАНДИ»

Шу боис, Самарқанд вилояти давлат солиқ босқирмаси ходимлари вилоятда бундай ҳуфёна корхоналар фаолиятини чеклаш, ўз навбатида, аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда солиқ тушумларини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

### Назорат

Утган ярим йил мобайнида ўтказилган назорат-тафтиш тадбирлари натижасида 278 та яширин цех — ҳуфёна иқтисодиёт ўчоқлари аниқланди ва уларнинг фаолиятига чек қўйилди. Ўйиборли жўрати, мазкур цехларнинг аксариятида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилад экан. Чунинки, иқтисодида қалбаки алкоголь ичимликлар, 16 та-

сида сифатсиз ўсимлик ёғи, 197 тасида истеъмол талабларига тўла жавоб бермайдиган озик-овқат товарлари тайёрланган.

Солиқчиларимиз бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда мана шундай ҳаракатларга қарши турли тадбирларни, хусусан, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Зеро, ўз соғлигини уйлаган киши ҳуфёна корхона маҳсулотини харид қилмайди, аксинча, унга қарши курашишда тегишли идораларга яқиндан кўмак беради.

Сулаймон ҲУСАИНОВ,  
Самарқанд вилояти ДСБ  
Ахборот хизмати бошлиғи.

## Успех-дело техники!

FUJITSU COMPUTERS  
SIEMENS

Успех

Серверы и компьютеры для решения любых задач

Производительность

Сделано в Германии

Товар сертифицирован

Всесмиральная гарантия 3 года

Адрес: ул. Лисюнова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60. E-mail: sales@nuron.uz  
www.nuron.uz www.fujitsu-siemens.ru


## АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

## "МИСТЕР БОНУС!"

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНФИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ

200 ДАҚИҚА

ХИШЛАБАРИ!



Эндиликда Perfectum Mobile мижозлари Қирғизистон Республикасида ҳам роунинг хизматидан фойдаланишлари мумкин. Истиқболда мароқли ҳордиқ чиқариш!



\*2009 йилнинг 1 январига қадар

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.

Perfectum Mobile  
CDMA Dreams Come True!

(8598) 305-1111

Хизматнинг сифатини таъминлаш  
ISO 9001:2000

## Халқ сўзи Народное слово

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



Газета таҳририят компьютер марказида терийли ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6 8

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Навбатчи — Қ. Хидиров.  
Мусахҳах — Ҳ. Тоншўжаев.